

# **БАДИЙ ТАЛҚИНДА ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Жиззах Давлат педагогика институти  
рус адабиёти ва уни үкитиш методикаси  
кафедрасининг катта ўқитувчиси  
Абдулахадова Ш.Р.**

**Аннотация:** Мақолада бадий талқинда психологик таҳлил имкониятлари хусусида сўз юритилади. Инсон образини бадий жонлантиришнинг энг муҳим омили – биринчи навбатда қаҳрамон ички дунёсини, унинг ҳис ва фикрлари ҳаракатини, онгли ва импульсив тўлғанишларини бадий кашф этишда қўлланиладиган поэтик воситалар тизимидан иборат насрнинг ўзига хос хусусиятлари психологик таҳлил орқали очиб берилади.

**Калит сўзлар ва иборалар:** психологик таҳлил, бадий талқин, қаҳрамон ички дунёси, бадий кашф этиш, поэтик воситалар, наср.

**Аннотация:** В статье рассматриваются возможности психологического анализа в художественной интерпретации. Психологический анализ раскрывает важнейший фактор художественного возрождения образа человека, в первую очередь поэтические средства, используемые при художественном раскрытии внутреннего мира героя, движение его эмоций и мыслей, сознательное и импульсивное наполнение.

**Ключевые слова:** психологический анализ, художественная интерпретация, внутренний мир героя, художественное изобретение, поэтические средства, проза.

**Annotation:** The article discusses the possibilities of psychological analysis in artistic interpretation. Psychological analysis reveals the most important factor of artistic revival of the human image, first of all the poetic tools used in artistic discovery of the hero's inner world, the movement of his emotions and thoughts, the conscious and impulsive filling.

**Keywords:** psychological analyze, artistic interpretation, the inner world of the hero, artistic invention, poetic means, prose.

Сўз санъати ҳамма даврларда психологик санъатдир. Адабиёт инсонни тўлақонли образ сифатида тасвирлашни бошлаган даврлардан эътиборан, том маънода, бадий психологизмнинг пайдо бўлганлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Чунки айнан ўша даврлардан бошлаб адабий қаҳрамон ҳатти-ҳаракатларининг асосини ташқи ҳолатлар эмас, балки унинг ички эҳтиёжи – руҳий ҳолати ташкил эта бошлаган эди.

Адабиёт сўз санъати сифатида яралибдики, унинг бош мавзуси инсон ва яна инсон бўлиб келар экан, ёзувчи бадий маҳорати – тахайюл ва тафаккури

имкониятлари инсон образини ҳар томонлама мукаммал яратишга қаратилади. Инсон образини юксалтиришнинг энг муҳим омили – биринчи навбатда унинг ботиний оламини очиб беришдир. Негаки, ташқи олам таъсири ҳам инсон ботинида ўз аксини топади ва бўй кўрсатади. Шу сабабдан ҳам сўз санъати тарихида ўз овозига эга бўлган ҳар қандай ёзувчи инсон руҳиятини бадиий талқин этишнинг турфа хил усул ва воситаларини кўллаган ёки кашф этган. Адабий қаҳрамонлар руҳиятини очиш, хоҳиш-интилишлари ва тутумларининг сабабларини таҳлил этиш орқали китобхон кўнглига йўл топиш ёзувчилар бадиий маҳоратини билдириши шакшубҳасиз. Инсон шахсияти жумбоини ечишга уриниш, ҳаёт моҳиятини англашга, шахс руҳиятини тафтиш ва таҳлил қилишга интилиш – адабиётнинг, хусусан, роман жанрининг бош вазифаларидандир. [3; 72-74]

Роман қайси даврда яратилмасин, бадиий психологизм омиллари ёзувчи услугини, жанрнинг тараққиёт тамойилларининг шаклланишига ва ривожланишига хизмат қилган. Психологизм асар муаллифи томонидан қаҳрамон ички дунёсини, унинг ҳис туйғулари, фикр мулоҳазалари, онг ва онгости эврилишлари орқали ифодаланаар экан, поэтик воситалар тизимини шакллантиради. Шу боис, бирор бир ёзувчи ижоди мисолида бадиий психологизм муаммосини тадқиқ этиш ўша давр адабий жараёнини, муаллифнинг индивидуал услуби ва маҳоратини ойдинлаштиришга имкон беради. Қолаверса, ҳар бир ёзувчининг бадиий-эстетик дунёси ўзига хос бўлиб, унинг асарларидаги руҳий таҳлил усулларининг янги қирраларини қиёсий ўрганиш масаланинг нақадар муҳим ва долзарблигини кўрсатади.

Бадиий асар хусусиятлари хусусида сўз юритар эканмиз, табиий-ки уни юзага чиқарган ёзувчи услуби муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон адабиёти тарихида кўплаб етук адиллар ижодлари моҳиятидан келиб чиқиб номларини қолдиришган. Масалан: М. Лермонтовнинг психологик романи, Ф.Достоевскийнинг полифоник романи, Л.Толстойниг фалсафий романи ва ҳакозалар.

Адабиётшунос А.Б.Есин психологик таҳлилнинг “жамловчи-белгиловчи” (суммарно-обозначающей) шакл билан тўлдиришни таклиф қиласи (персонаж фикрлари ва туйғулари ҳақида ички оламда кечаётган ўша жараёнларни қисқача тавсифлаш, белгилаш орқали китобхонга хабар бериш усули). [2; 126]

Психологизм асар муаллифи томонидан қаҳрамон ички дунёсини, унинг ҳис ва фикрлари харакатини, онгли ва импульсив тўлғанишларини бадиий кашф этишда қўлланиладиган поэтик воситалар тизимидан иборат насрнинг ўзига хос хусусиятлари экан, айни пайтда, психологик тавсифда шахснинг индивидуаллаштирилган қирралари устунлик қиласи.

Маълумки, ҳар бир ёзувчи ижодида психологик тасвир принциплари индивидуал характер касб этади ва у ўша адиб мансуб бўлган бадий методнинг ўзига хосликлари билан белгиланади. Ҳолбуки, ёзувчиларга ўз персонажлари ички дунёсини тасвирлашга кўмаклашадиган айрим умумий йўсин ва усуллар мавжуд. Анъанага қўра, руҳий таҳлил усуллари ҳақида гап кетганда, аввало, монолог, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғу, кечинма ва фикрларининг муаллиф томонидан баён қилиниши назарда тутилади.

Композицион-ҳикоя қилиш шакллари орасида нафақат персонаж томонидан англанган фикр ва кайфиятлар, балки унинг қалбидаги англанмаган, “ҳар ерда ҳозиру нозир” муаллифгагина маълум бўлган ҳаракатларни ҳам етказа оладиган учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш етакчилик қиласи. Табиий-ки, бундай ҳикоя орқали инсон ички олами кенгроқ очиб берилади.

Шундай экан, психологизм, авваламбор, бадий-эстетик қимматга эга эканлиги, муаллиф аксиологияси ва дунёқарашининг кўрсаткичи сифатида аҳамият касб этади. Бадий адабиётда инсон ички олами ўзига хос талқин этилади. Психологизм поэтикаси даврнинг инсон ҳақидаги фалсафий ва илмий тасавурлардан келиб чиқади (инсон психикаси ва уни англаш йўллари ҳақидаги назарий тасавурлар), инсон коцепцияси, бадий тизим, ижодий метод билан шартланади, муаллиф тақдим этган коммуникация модели билан алоқадор (мисол учун, китобхоннинг руҳият сирларидан боҳабарлиги ёки маънавий тайёргарлигига муаллифнинг ишончи шама, қистирма, матн ости маъноларига эга пичингни қўллаш имконини беради).

Шундай қилиб, адабиётда психологизм динамикаси унинг восита ва усулларининг оддийдан мураккабликка йўналтирилган тадрижини англатади.

Бир мақола имкониятларидан келиб чиқиб улуғ рус ёзувчиси Л.Толстойнинг фалсафий романларида қаҳрамонлар ботиний оламини юзага чиқаришда қўлланилган психорлогик таҳлил хусусида сўз юритмоқчимиз.

Бадий сўз устаси, реалист ёзувчи Л.Толстой ўз ижодининг моҳияти ҳақида сўз юритар экан, “Асаримнинг қаҳрамони - мен бутун борлиғим билан севган ва ҳамиша гўзал бўлиб келган ҳақиқатдир”, - деб ёзган эди. [4; 127] Ўзига ҳамиша оҳанграбо каби жалб этиб келган буюк даҳо ёзувчи Толстой бадий ижодининг асосини ҳам ҳақиқат ташкил этади. Ёзувчи ижодидаги реал ҳаётни талқин этишдаги ҳаққонийлик инсон ички оламини тўлақонли талқин этиш орқали очиб берилади.

Л.Толстой қаҳрамонларининг руҳий олами – бу тўлақонли ва атрофлича тасвир этилган оламдир. Ёзувчининг ўзи бир неча бор инсон қалби, ҳис-туйғулари, унинг шахси кўп қиррали эканлиги, бир-бирига мос тушмайдиган

ва ҳатто бир-бирини инкор этадиган ўзига хос жиҳатлардан иборат деб таъкидлаган.

Лев Толстой инсон қалбини, руҳий оламини тасвирлар экан, инсон жамият ҳаётидан айро туша олмаслигини, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ҳамиша мавжудлигини, одам ва олам кураши том маънодаги кураш эканлигини, бу жараёнда инсон ўзининг бор имкониятлари – интеллектуал, ҳиссий, физиологик хусусиятларини ишга солишини очиб беради. Бунга мисол қилиб ёзувчининг “Уч ўлим” ҳикоясини олишимиз мумкин. Ҳикояга талқин учун жалб қилинган манба – уч ўлимдан иккитаси инсоннинг физиологик ўлими бўлса, учинчи ўлим – навқирон қайин дарахтини кесиб аравакаш қабри устига ўрнатилган хоҷdir. Ёзувчининг маҳорати шундаки, нафақат табиатнинг бир бўлаги инсон, балки табиатнинг ўсимлик олами ҳам Аллоҳ мўъжизаси эканлиги, навқирон қайин ҳали ўсиб забардаст дарахт бўлиши, шовуллаган япроқлари баҳор ва куз кўринишларида ҳаёт мангубозорини, яшаш бахти ва завқи ҳам иноят эканлигини таъкидлагандек бўлади.

Лев Толстойга хос табиатни жонлантириш ва улуғлаш услубини жаҳон адабиётининг етук адиблари ижодида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, инглиз адиби У.Уитменнинг юқори пафосда ёзилган лирик прозаси, ўзбек адиблари Миртемир, Тоғай Мурод ижодида табиатнинг жонли манзаралари талқин этилган.

Рус ёзувчиси К.Паустовскийнинг “Қишки эман” ҳикоясида ёзувчининг бадиий-эстетик қарашлари Лев Толстойнинг эстетик концепциясига яқин туради. Асар қаҳрамони Иван Саввушкиннинг “Қишки эман ким? сўроғига жавоб беради” деган жавоби ўқитувчиси Анна Василевнанинг эътиrozига сабаб бўлади. Ўқитувчиси ўқувчисида қандайдир “руҳий ҳолат кечаяпти, онаси билан гаплашиб кўрай-чи”, - деган мақсадда Саввушкин билан ўрмонни кесиб ўтувчи йўл орқали кетади. Саввушкин ўрмонда ўсуви ўлкан эман дарахтини ўқитувчисига кўрсатади.

Кузда тўкилган хазон устини қалин қор қоплаган эман остида, танасининг кавакларида ўрмоннинг жонли мавжудотлари – қурт-кумурсқалар, капалаклар, курбақалар... қаҳратон қишдан жон сақлаётганини кўрган Анна Василевна нима учун Саввушкин “қишки эман “ким” сўроғига жавоб беради” деганини тушунади.

К.Паустовский талқинининг ўзига хослиги шундаки, ёзувчи қаҳрамонга хос психологик ҳолатни сўз баёни билан кенг таҳлил этмайди. Ёзувчига хос деталлаштириш А.Чехов услубига яқиндир, аммо Чехов деталлаштиришда жуда кам сўз ишлатади, Паустовской эса сўз баёнига мойилроқ. [4; 54]

Лев Толстой психологик таҳлилининг моҳияти шундаки, ёзувчи инсон

қалбida кечәётган ички курашлар тасвирини реалистик талқин тамойилида беради. Толстой қаҳрамонлари турли хил ҳолатларда – гоҳо руҳий изтиробда, гоҳо пўртана ҳиссиётлар оғушидаги курашларда ўзини намоён қиласди. Бунда ёзувчи инсон ҳаётидаги майда деталларга алоҳида эътибор бермайди, унинг асарларида кичик деталлар йиғилиб катта муаммога айланган ҳолатда талқинга жалб этилади.

Қалб кечинмаларининг психологик таҳлили юксак бадий маҳорат билан берилган асарлари сирасига ёзувчининг “Анна Каренина” романи ҳам киради. [5]

“Анна Каренина” романи Лев Толстой бадий-эстетик концепциясининг бадий инъикоси сифатида юзага келган асардир. Асар ғоясида ёзувчининг эстетик концепцияси намоён бўлар экан, роман поэтикасида Толстой қарашлари Иван Каренин, Анна Каренина, Владимир Вронский образлари орқали очиб берилади.

Романда тасвир этилган ёзувчи тўқимаси ассоциатив сюжет ёрдамида ёритилган. Ассоциатив сюжетга хос хусусиятлар қаҳрамон ички оламиининг турли кечинмалар орқали берилиши, психологик таҳлил, зиддиятлар тўқнашуви қаби услублар ёрдамида ёзувчининг эстетик концепцияси очиб берилган. Таҳлил жараёнида “Анна Каренинанинг севишга ва севилишга ҳаққи йўқми?”, “Нима учун Вронский Аннадан юз ўгириди?”, “Аннанинг тақдирни нима учун аянчли якун топди?”, “Ўлим олдидан Аннанинг сўзи шартмиди?” деган саволлар туғилиши, табиий.

Лев Толстойнинг маҳорати шундаки, романнинг сюжет қурилишида асосий эътиборни эстетик концепция очиб берилишига қаратади. Ёзувчи наздидаги расмий никоҳ Аллоҳ ҳузурида тузилади, уни бузиш Яратганга қарши бормоқ демакдир. Анна гүё Иван Карениндан юз ўгириб Вронскийга кўнгил бериши ва оиласидан воз кечиши айнан ёзувчи англаған моҳиятни ифодалайди. Ёзувчи роман поэтикасини шундай қуради-ки, ҳатто Анна Каренина нафақат буюк Аллоҳ ҳузурида истиғфор айтиш, балки турмуш ўртоғи Иван Каренин олдидаги ҳам тавба-тазарру қилиши учун имкон беради, ўлими олдидан Иван Карениннинг яхши инсон эканлигини, уни севишини тан олади. Худди мана шу ҳолатда Лев Толстой бадий-эстетик маҳоратининг яна бир қирраси намоён бўлади. Инсонга қилган гуноҳлари учун истиғфор айтиш, ёки уни ювиш имкониятини бериш даҳо ёзувчи англаған ва ўзгаларга англағмоқчи бўлган моҳиятдир.

“Анна Каренина” романига хос психологик таҳлил ёзувчининг фалсафий қарашларидан келиб чиқиб олиб борилади. Шу сабабдан ҳам Толстой бадий услуби психологик таҳлилга асосланган бўлса-да, асарда фалсафийлик устувор бўлганлиги сабабли роман тамойили реалистик фалсафий роман деб

белгиланади.

Инсон руҳий ҳаётининг нозик қонунларини билиш Толстойга бадиий образлар руҳий ҳолатини яратишида, характерларнинг ўзига хос томонларини очиб беришда жуда қўл келади,- деб таъкидлайди рус танқидчиси Н.Г.Чернишевский. [6; 85] Реалистик тамойилда яратилган образга хос инсон ҳаётини мураккаб, узлуксиз ва давомий жараён сифатида шартлилик даражасида очиб берилиши ва шунга монанд жанрнинг яратилиши дунё адабиёти тарихида Лев Толстойга буюк психолог-адиб деган эътирофни олиб берди.

Бутун дунё Лев Толстойнинг буюк бадиий-эстетик даҳосини тан олди. “Буюк сўз устаси, буюк психолог”, - деб баҳолаган эди ёзувчини Г.Флобер. [1; 123] Толстой даҳосига хос хусусиятлардан яна биттаси қаҳрамон туйғусини очиб бериш маҳоратидир. Толстойнинг ҳар битта асарида, ҳоҳ у йирик насрый асар бўлсин, ҳоҳ у кичик ҳажмдаги ҳикоя бўлсин психологик таҳлил маромига етказиб берилган.

Толстойга хос бўлган кичик, майда нарсалардан катта ҳаётий умумлашмалар чиқариш унинг барча асарларига хосдир. Ёзувчи катта бадиий маҳорат билан амалга оширган психологик таҳлил адибга ижод жараёнида катта имкониятлар яратди.

“Психологик таҳлил ҳар хил ёзувчилар томонидан турлича амалга оширилиши мумкин: қайсиdir бир шоирни қаҳрамон характерини яратиш қизиқтиради; яна бирини эса характерга жамиятдаги ва майший ҳаётдаги зиддиятли тўқнашувларнинг таъсири жалб этади; учинчиси эса – туйғу ва ҳаракатнинг узвийлигини тасвирлайди; тўртинчиси – ҳис-туйғуни таҳлил этади; граф Толстойни эса психологик жараённинг ўзи, унинг шакллари, унинг қонунлари, аниқ термин билан атайдиган бўлсак қалб диалектикаси қизиқтиради”, - деб ёзган эди Н.Г.Чернишевский.[6; 176]

Лев Толстой бадиий услубини ўрганар эканмиз, ҳақиқатдан ҳам ёзувчининг асарларида психологик таҳлил юксак бадиий маҳорат билан берилганини ва жаҳон бадиий сўз санъати тарихида уни Толстойнинг психологик таҳлил маҳорати дея эътироф этилишини англалик.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Грифцов Б. Психология творчества. М.,1978;
2. Есин А. Б. Принципы и приёмы анализа литературного произведения. - М.: Флинта, Наука, 2000.
3. Матёкубов С. Бадиий психологизм қирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2006. №4, Б.72-74.
4. Паустовский К. Зимний дуб // Соб.соч. в 4-х тт., т. 1. М., Художественная литература.1980-1081 гг.

5. Толстой Л.Н. Анна Каренина. Роман. Собр.соч. в 3-х тт. Т.3. М.,1986;
6. Чернишевский Н.Г. Собр.соч. М.,1987.